

**Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши бўйича
ШАРТНОМА № 3**

2022 йил «5» апрел

Жиззах шаҳри

Жиззах вилоят хокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компанияси (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор X.Хасанов, бир томондан, ва «Discovery Architects group» масъулияти чекланган жамияти (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Н. Ҳамроқулов, иккинчи томондан, мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ “Бахмал тумани “Дўстлик” МФЙ худудида жойлашган “Мустақиллик” кўчаси, “Оқтош” МФЙ худудида жойлашган “Самарқанд” кўчаси; “Ўсмат” МФЙ худудида жойлашган “Х.Олимжон” кўчаларининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш” (Лойиҳа иши, АРТ, топосъёмка ва экспертиза хулосаси) обьекти бўйича амалдаги қонунчиликнинг ишларнинг шундай турига қўйладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шаҳарсозлик хужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиҳа” деб номланади) ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

1.2. Хизматлар курсатиш муддати:

Ишнинг бошланиши: 2022 йил 5 апрел;

Ишни якунлаш: 10 кун.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати 2022 йил 1 апрелдаги лот №58504 бўйича харид қилиш комиссияси баённомасига асосан КҶС билан 102 447 000 (бир юз икки миллион тўрт юз қирқ етти минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати очикдир. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорига асосан ҳамда вазиятлар, материаллар нархлари, ишга ҳақ тўлаш шартлари тубдан ўзгарганда ва бошқа харажатлар туфайли ишлар қиймати мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш Буюртмачи томонидан Ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан куйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;
- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойиҳани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойиҳани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи томонидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, Ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.

3.1. “Бахмал тумани “Дўстлик” МФЙ худудида жойлашган “Мустақиллик” кўчаси, “Оқтош” МФЙ худудида жойлашган “Самарқанд” кўчаси; “Ўсмат” МФЙ худудида жойлашган “Х.Олимжон” кўчаларининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш” (Лойиҳа иши, АРТ, топосъёмка ва экспертиза хулосаси) обьекти бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида куйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топшириқни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириқга ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий хужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Томонлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугалланғандан сүнг Ижрочи тайёр Лойиҳани ёки унинг қисмини Буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қиласди.

3.3. Буюртмачи Лойиҳани олганидан кейин қуидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида Лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва Ижрочига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;

3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Ижрочига юборилгандан сўнг иккитомонлама далолатнома ёки кўшимча ёзма битим тузилади. Кўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.

3.3.3. Буюртмачи Лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни Ижрочига юбормаса, Лойиҳа Буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади.

3.3.4. Агар Буюртмачи Лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик Лойиҳада шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни Лойиҳани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин качиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқланғандан кейин Ижрочини 10 кун муддатда ёзма равиша огоҳлантириши ва камчиликларни қиска муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни Ижрочига тақдим қиласди.

4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар қийматини Ижрочига тўлаб беради.

4.1.3. Ижрочидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсад учун фойдаланиш, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва Ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошкора қиласлик.

4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқарорларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун Ижрочини жалб этиш.

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки Ижрочига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган кўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва кўшимча битимни имзолашгандан сўнг).

4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари

4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиши учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши, белгиланган тартибда муаллифлик назоратини олиб бориш ва ҳар 15 кун муддатда мунтазам равища Буюртмачига маълумот бериш;

4.2.2. Буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, Буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириш, Буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиши. Буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган Ижрочи келгусида Буюртмачи томонидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўйкач қиласлиги керак.

4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда Буюртмачи билан биргалиқда иштирок этиш.

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёrlари ва қоидалари талаблари ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиши, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига жавоб берадиган тайёр Лойиҳани Буюртмачига топшириш.

4.2.5. Лойиҳа ишлаб чиқилишини учинчи шахсларга бермаслик.

4.3. Буюртмачи қуидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, Ижрочидан қуидагиларни талаб қилиш:

- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиши;
- шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтириш;
- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли Буюртмачининг пайдо бўлган молиявий заарларини қоплаш;

- Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, Буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча кўрилган молиявий заарлар қопланишини Ижроидан талаб қилиш.
- «Ижрои» ташкилотнинг айби билан лойиҳа хужжатларига қушимча иш хажмлари ва харажатар аникланган тақдирда «Уздавархитекткурилиш» қумитасининг 24.06.2008 йилги 50-сонли буйруги билан тасдиланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди 3-хатбошига асосан Бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб қуилади.

4.4. Ижрои қуидаги ҳукуқларга эга:

- 4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билангина лойиҳалаштиришга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

5. Томонлар жавобгарлиги.

5.1. Томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

5.2. Лойиҳа Буюртмачи томонидан қабул қилингандан кейин Ижрои кафолатли муддат давомида (10 йил) Лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва Лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аникланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, Буюртмачининг заарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрои Лойиҳадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аникланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) қуидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи Ижрои билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида Лойиҳага қўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса;

5.4. Молия органи томонидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам Буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида молиялаштираса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрои лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва заарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Томонлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаган шарти билан, биринчи томон иккинчи томонни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мүмкін.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилинган ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан томон иккинчи томонга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматидан 10 % миқдорида жарима (неустойка) тўлайди.

6. Махфийлик.

6.1. Ҳар бир томоннинг фаолияти ёки томонлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошкора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийдир. Томонлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошкора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак

7. Шартномани ўзгартириш ва тугатиши.

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-пунктида кўрсатилганидек, шартнома муддати тугаши билан томонларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Томонлар ўртасидаги ёзма келишувига асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим ёки келишмовчилик баённомаси кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки тугатилиши мумкин.

7.5. Шартнома кучда бўлишини тугатиш томонларни шартномани бузганликлари учун жавобгарлиқдан озод қилмайди.

8. Низоларни ҳал этиши.

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар хал этилмаса, ўрнатилган тартибда низолар Жizzах туманлараро иктисадий судида кўриб чиқилади.

9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида қуйидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнгин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш харакатлари, қамаллар, қўзғолонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга ғалаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъқиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган томонлар назоратидан ташқарида бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома вилоят Газначилик бошкармасидан электрон тарзда руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. битта нусхаси Буюртмачида, битта нусхаси Ижрочидаги сақланади.

11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

БУЮРТМАЧИ:

Жizzах вилоят хокимлиги Ягона
буюртмачи хизмати инжинииринг
компанияси.

Жizzах ш. Ш.Рашидов кучаси 100 уй.

Тел./факс 222-46-40, 222-29-96

шх: 100010860084017016801018147

ИНН: 204791955 ОКОНХ: 69000

Жizzах вилоят Газначилик бошкармаси

ЯФХ 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент
шахар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса
маркази (ХККМ)

МФО: 00014 ИНН: 201122919



Хасанов X.

ИЖРОЧИ:

«Discovery Architects group»
масъулияти чекланган жамияти

Жizzах ш. Ш.Рашидов кучаси 63 уй

тел.. +99890 265-99-88

х/р 20208000200668355001

АТБ «Микрокредит банк»

Жizzах вилоят минтақавий филиали

МФО: 00135 ИНН: 304314182

ОКОНХ: 66000



Хамроев Н

ХУКУКИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Узбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 21-моддаси талаблари асосида тузилган. Экспертиза хulosаси шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги хамда низоларнинг хал этилиши тартиби амалдаги конунчилик талабларига мослигини беради.

Хукукий экспертиза натижасига кура кўйдагилар аникланди:

1. Шартнома лойихаси Узбекистон Республикасининг амалдаги конунлари талабларига мувофиқ тузилган. Такдим этилаётган пудрат шартномаси шартлари конунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган хар кандай холат Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 686-708-моддалари хамда “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг уз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Узбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.


Жizzах вилоят хокимлиги ЯБХ ИК
хукукшуноси - адвокат

О.Очилов



А.Н.Скорикова

М.Алиев



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Жиззах вилояти ҳокимлиги

“Ягона буортмачи хизмати” ИК
бош мухандиси



А.Сарибоев
2022 йил

**Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буортмачи хизмати” Инжинииринг
компаниясида ўтказилган танлов комиссияси аъзолари йиғилиш
БАЁНИ № 1**

2022 йил “ 5 ” апрел

Жиззах шаҳри

Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буортмачи хизмати” Инжинииринг компаниясининг 2021 йил 01 февралдаги №10-сонли бўйруғи билан тасдиқланган комиссияси аъзолари куйидаги таркибда,

ҚАТНАШДИЛАР:

А.Сарибоев

- Вилоят ҳокимлиги “Ягона буортмачи хизмати” инжинииринг компанияси бош мухандиси, комиссия раиси;

Комиссия аъзолари:

Т.Саттаров

- Лойиҳаларни бошқариш ва курилишни техник кузатиш бўлими бошлиғи;

О.Очилов

- Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи;

О.Хидоятуллаев

- Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими бошлиғи;

Ф.Зулфиқоров

- Ҳисоб-китоб бўлими мутахассиси

М.Алиев

- Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа хужжатлари ва танлов хужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи, комиссия котиби;

Кун тартиби:

Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буортмачи хизмати” Инжинииринг компанияси буортмачилигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори билан тасдиқланган 2022 йил Инвестиция дастурига киритилган туман марказларининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш объектлари лойиҳаларини ишлаб чиқиши бўйича ўтказилган харид қилиш комиссиясининг танлов баённомалари асосида тузиладиган шартномаларнинг Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли қонуни 62-моддаси талабларига мувофиқ тузилишини таъминлаш.

2022 йил 1 апрелда “Etender.uzex.uz” электрон портали орқали ўтказилган куйидаги 13 та объект бўйича харид қилиш комиссиясининг танлов савдолари натижалари тўғрисида баённомалари расмийлаштирилган;

№	Объектнинг номи	ЛОТ рақами	Фолиб лойиҳа ташкилоти	Фолиб тақлиф этган нарх
1	Арнасой туман марказининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	№58489	“Sangzor Qurilish Loyiha” МЧЖ	101 000 000
2	Бахмал туман марказининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	№58504	“Discovery Architects group” МЧЖ	102 447 000
3	Галлаорол туман марказининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	№59353	“Novo Planing” МЧЖ	110 000 000
4	Шароф Рашидов туман марказининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	№58606	“Loyiha Struktura” МЧЖ	97 916 000
5	Дўстлик туман марказининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	№58539	“Polaris Loyiha” МЧЖ	114 000 000
6	Зарбдор туман марказининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	№58621	“Atlant Architects group” МЧЖ	93 987 000
7	Зафаробод туман марказининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	№58626	“Grand Super Project” МЧЖ	99 200 000
8	Зомин туман марказининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	№58553	“Aziza Loyiha” МЧЖ	110 608 500
9	Пахтакор туман марказининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	№58638	“Jizzax Tadqiqot” МЧЖ	99 208 500
10	Мирзачўл туман марказининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	№58653	“Olimp Mega Project” МЧЖ	89 307 000
11	Фориш туман марказининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	№58489	“Gold Project Service” МЧЖ	105 919 600
12	Янгиобод туман марказининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	№58594	“Shaharsozlik Dizayni” МЧЖ	101 314 400
13	Жиззах шаҳар марказининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	№58489	“Grand Super Project” МЧЖ	111 017 000

Комиссия котиби томонидан 13 та объектга лойиҳа ташкилотини танлаш бўйича ўтказилган танлов савдолари юзасидан 2 иш куни мобайнида комиссия аъзоларига хеч қандай шикоят келиб тушмаганлиги тўғрисида ахбороти ўқиб эшилтирилди.

Комиссия аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини эшитиб ва ўрганиб чиқсан холда, танлов комиссияси

Қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22-январдаги ПҚ-98 сонли қарори билан 2022 йил Инвестиция дастурига киритилган туман марказларининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “Etender.uzex.uz” электрон портали орқали аниқланган 13 та объект бўйича 3 иш куни ичидаги буюртмачи ва ғолиб лойиҳа ташкилотлари ўртасида шартномалар тузилиши мақсаддага мувофиқ деб топилсин.

Йиғилиш баёни тўғри тузилган деб имзо қўювчиладар:

Т.Саттаров

О.Хидоятуллаев

О.Очилов

Ф.Зулфикаров

Комиссия котиби:
М.Алиев

